



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2021-yil “10” fevral

Қ-179 -son

Qumqo‘rg‘on t.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони ҳамда вилоят ҳокимининг 2021 йил 6 февралдаги Қ-73-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони ҳамда вилоят ҳокимининг 2021 йил 6 февралдаги Қ-73-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Халқ билан очик мулоқот натижалари асосида тайёрланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) **1-иловага**;

Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармонида кўра, Коронавирус пандемияси шароитида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини давом эттириш мақсадида қуйидагиларнинг амал қилиш муддати 2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларида фаолият юритаётган субъектларнинг ер ва мол-мулк солиғи бўйича 2021 йил 1 январь ҳолатига қарздорлиги тўланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон Фармонида назарда тутилган вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича 2020 йил 31 декабрь ҳолатига кўра мавжуд қарзига пеня ҳисобланишини тўхтатиш ва солиқ қарзини мажбурий ундиришга қаратиш чораларини кўрмаслик талаби;

коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқда турган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича берилган фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) суммаси;

“хуфиёна иқтисодиёт” улушини қисқартириш учун солиқ аудити ўтказишда “таҳлика-таҳлил” тизими босқичма-босқич жорий этилган ҳолда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган кичик тадбиркорлик субъектларида солиқ аудити ўтказилишига мораторий белгиланганлиги.

4. Туман ҳокимининг ўринбосари Н.Алланазаров, туман Халқ таълими бўлими (Н.Исмаатов), тумандаги масъул ходимлар билан биргаликда уч ой муддатда физика фани ва чет тиллари бўйича узлуксиз таълим сифати ва натижадорлигини ошириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс дастурларни ишлаб чиқсин:

илмий тадқиқотларни ривожлантириш, таълим ташкилотларида мазкур фанларни ўқитиш методикасини қайта кўриб чиқиш, амалий ва инновацион лойиҳалар танловларини ташкиллаштириш, соҳадаги илмий ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш;

янги авлод, шу жумладан, электрон дарслик ва ўқув курсларини яратиш, шунингдек, ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўқув дастурларида амалий ва интерфаол машғулотларнинг улушини кўпайтириш;

хорижий тилларни ўрганиш учун кенгроқ имконият яратиш мақсадида

бепул тил ўрганиш электрон платформалар орқали ишларни ташкил этиш;
ихтисослашган мактаб (синф)лар фаолиятини босқичма-босқич йўлга қўйиш, уларни олий таълим ташкилотлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари билан узаро боғлаш ҳамда хорижий мамлакатлардан ўқитувчиларни жалб этиш бўйича ҳамкорлик ишларини жадаллаштириш.

5. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (М.Қултаев, Қ.Алматов, З.Хидирова), туман Қишлоқ хўжалиги бўлими (Ў.Лоқаев), туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.Самадов), туман аҳоли Бандлигига кўмаклашиш маркази (О.Чориев), туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (З.Эшқобилов), туман Молия бўлими (Ш.Поянов), иқтисодиётни ривожлантириш, шу жумладан, камбағалликни қисқартириш ва узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишнинг пойдеворини яратиш мақсадида ишсиз аъзолари бор оилаларга, жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга деҳқончилик билан шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида:

деҳқончилик билан шуғулланиш учун, шу жумладан, янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларида 0,1 гектардан 1 гектаргача ер ажратилишини;

ажратилган ер майдонлари суғориш тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб суғориш тизими ва бошқалар) ҳамда электр энергияси билан таъминланишини;

берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғ, кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратилишини;

2021 йил 1 апрелга қадар ҳар бир туманнинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, эҳтиёжманд оилаларга деҳқончилик билан шуғулланиш учун кўмаклашиш тизими йўлга қўйилишини;

тадбиркорлик ва ўзини-ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидиялар ажратилишини назоратга олсин;

икки ой муддатда ишсиз аҳолини тадбиркорликка ва ўзини-ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятига жалб қилишнинг янги механизмлари юзасидан таклиф киритсин.

6. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Қултаев, туман ҳокимининг тармоқлар бўйича ўринбосарлари ва алоқадор корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда тумандаги масъул ходимлар билан биргаликда ҳар ой якунида Давлат дастури бажарилишини танқидий кўриб чиқсин ҳамда

хар чорақда туман ҳокимлик соатларида, муҳокама қилиш учун, ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул ташкилотлар раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўриш бўйича таклиф киритиб борсин.

7. Туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати (Н.Жумаева), туман Алоқа бўлими (А.Дониёров), “Қумқўрғон садоси” газетаси муҳаррири (Р.Менгзияева)га Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари ҳамда унинг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказиш тавсия этилсин.

8. Дастур ижроси юзасидан масъул ташкилотлар ва идоралар раҳбарлари Дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича шахсан масъул эҳанлиги белгилансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



Туман ҳокимининг
2021 йил 10 февралдаги
179 -сон қарорига
1-илова

**2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегиясини
“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оширишга оид
ДАВЛАТ ДАСТУРИ**

Т/р	Амалга оширилган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
1. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ						
1.1. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш						
1.	2-банд: депутатлари маҳаллий Кенгаши котибияти фаолияти самардорлигини ошириш.	Йил давомида	Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти муdiri К.Чоршанбиев, туман ҳокимлиги гуруҳ раҳбари Ё.Менглибаев, (Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши билан биргаликда)	-	-	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши котибияти ходимлари малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш; Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши раиси тавсиясига асосан, котибият ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг ўқув курсларига иштирок этишини таъминлаш назарда тутилади.
1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш						
2.	6-банд: Маҳаллий ижро ва вақиллик органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқиш.	2021 йил 1 апрель	Туман ҳокимлиги гуруҳ раҳбари Ё.Менглибаев, туман ҳокимлиги бош юрияконсулти Ф.Холтураев, Адлия бўлими, Халқ депутатлари туман Кенгаши (қелишув асосида)	-	-	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлимлари (бўлинмалари) билан ўзаро муносабатларининг аниқ механизмлари; Ҳокимлик ва маҳаллий кенгаш томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турлари; Халқ депутатлари Кенгашининг Олий Мажлис Сенати билан, ҳокимликнинг Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро алоқалари; Ҳоким ўринбосарлари ва маслаҳатчисининг ваколат чегараси, вазифа ва функциялари; Муниципал мулкни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бошқаришнинг ҳуқуқий асослари ва аниқ тартиби назарда тутилади.
3.	7-банд: фуқаролик кадрларни уларнинг ошириш ва фаолиятини	2021 йил 1 март	Туман ҳокимлиги гуруҳ раҳбари Ё.Менглибаев, (ДХРА билан ҳамкорликда), Адлия бўлими	-	-	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишда уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий фазилатларини баҳолайдиган очиклик ва ошқоралик тамойиллари асосида

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
4.	<p>8-банд: Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилиш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш.</p>	<p>2021 йил 1 март</p>	<p>Туман ҳокимлиги гуруҳ раҳбари Ё.Менглибаев, Туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Н.Жумаева Адлия бўлими</p>	-	-	<p>ташкил этиш; коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат хизматчиларини мунтазам ўқитиш ва билимини баҳолаб бориш; туман ҳокими ўринбосарлари ва уларнинг бош мутахассислари фаолиятини жойларда, шу жумладан маҳаллаларда амалда қандай ўзгариш бўлганига қараб баҳолаб бориш назарда тутилади.</p> <p>Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Адлия вазирлиги қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва мажбурий бўлган кўрсатмалар талабларини бажармаслик, “Jlgo.gov.uz” тизимига зарур маълумотларни киритмаслик ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларини ўз муддатида бажармаслик ёки сифатсиз ижро этиш ҳолатлари бўйича мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари масъулларга етказиш, тушунтириш, амалиётда қўллашга қўмаклашиш ва назорат қилиш бўйича Адлия бўлими билан ҳамкорликда ишларни йўлга қўйиш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этишда жамоатчилик иштироки ва назоратини кенг йўлга қўйиш мақсадида “жамоатчилик эшитувлари” ва “жамоатчилик мониторинги” тизимлари асосида ишлаш ҳамда бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш; оммавий ахборот воситаларида халққа ислохотлар моҳияти ва натижаларини етказиб боришга қаратилган “Президент қарорлари – ҳаётда ва назоратда” мавзусида кўрсатув ва чиқишлар ташкил этиб бориш; тегишли давлат органларидаги ижро сифати ва ҳолатини туман халқ депутатлари Кенгашида ҳар ойда танқидий муҳокама қилиб бориш амалиётини жорий этиш назарда тутилади.</p>
5.	<p>9-банд: Хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги мавқени янада оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>2021 йил 1 март</p>	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари З.Хидирова, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (М.Қобулова)</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан</p>	<p>Давлат бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар</p>	<p>Йўл харита ишлаб чиқилади. Бунда: 694 нафар хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади; 428 нафар хотин-қизлар касб-хунарга ва ҳаётга руҳлангириш (мотивация бериш) бўйича ўқитилади; 155 нафар хотин-қизларга томорқалдан даромад манбаи</p>

Т/р	Амалга оширилган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллаp	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қутилаётган натижа
6.	11-банд: "Бепул ёрдам конун тўғрисида"ги лойиҳасини ишлаб чиқишда асосли таклифлар киритиш.	2021 йил 1 ноябрь	Туман хокимлиги юридик хизмати Ф.Холтураев, Адли бўлими, Молия бўлими	-	-	сифатида фойдаланиш учун кўмаклашилади; 428 нафар хотин-қизлар талбиркорликка жалб этилади ва уларга кредит олишга кўмаклашилади; 849 нафар эхтиёжманд хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатилади; 92 нафар хотин-қизларга турар-жой ижара компенсацияси тўлаб берилди; 395 нафар хотин-қизларга манзилли тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари ташкиллаштирилади; 32 нафар хотин-қизларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади; 18 нафар хотин-қизларга психологик ёрдам кўрсатилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига таклиф бериш. Жумладан: бепул юридик ёрдам соҳасида халқаро стандартлар ва халқаро тажрибани ҳисобга олиш; кам таъминланган ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларга бепул юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш; кам таъминланган ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар учун жиной, маъмурий, фуқаролик ишлари бўйича давлат томонидан бепул юридик ёрдам олиш имкониятларини кенгайтириш; бепул юридик ёрдам тизимини ривожлантиришни давлат томондан қўллаб-қувватлаш чоралари кўриш; давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни электрон танлаш тизимини жорий этиш назарда тутилади.
1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш						
7.	12-банд: Маҳалла институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш.	2021 йил 1 апрель	Туман хокимлининг ўринбосари З.Хидирова, Маҳалла ва онлани кўлаб-қувватлаш бўлими, Адлия бўлими	-	-	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига таклифлар бериш. Таклифда: маҳалла раисига маҳаллий Кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритиш ҳуқуқини бериш; маҳаллаларда ишлаётган малакали ва ташаббускор кадрларни давлат идоралари раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизимини йўлга қўйиш; маҳалланинг нуфузини, унинг ресурс ва имкониятларини ошириш, ҳодимларнинг моддий таъминотини яхшилаш бўйича дастур ишлаб чиқиш; маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари ваколатларини кенгайтириб, уларга аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш имконини яратиш назарда тутиш;

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўйилган натижа
8.	<p>13-банд: Давлат органларида очиклик ва ошкораликни таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар амалга ошириш.</p>	<p>2021 йил 1 апрель</p>	<p>Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари Н.Жумаева, Адлия бўлими, Молия бўлими, Алоқа бўлими, Статистика бўлими</p>	<p>–</p>	<p>–</p>	<p>маҳалла тизимида иш унуми ва сифатини яхшилаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини раисларини сайлов билан эмас аксинча тайинлов орқали амалга ошириш ва маҳалла раисларини лавозимга тайинловни Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи томонидан амалга ошириш; Маҳалла фуқаролар йиғини раислари ёшлари 45 ёшдан 55 ёшгача бўлган олий маълумотли фуқаролардан бўлишини катъий белгилаб қўйиш.</p> <p>Амалий чора-тадбирлар. Бунда: очик эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича таклифлар бериб бориш; хар йил якунлари бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиклик индексида ижобий ўзгаришларга эришиш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўз веб-сайтларига жойлаштириладиган ахборотни янгиллаб бориш даврийлиги муддатини қайта кўриб чиқиш; оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек, мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўровини кўриб чиқишга доир муддатларни қайта кўриб чиқиш; “Очик ва ҳисобдор ҳукумат” ғоясини амалга оширишга қаратилган амалий чоралар кўриш назарда тутилади.</p>
9.	<p>15-банд: Ҳокимликлар томонидан “Е-қарор” электрон тизими орқали қарор қабул қилиш амалиётини йўлга қўйиш.</p>	<p>2021 йил 1 май</p>	<p>Туман ҳокимлиги дивонхонаси муdiri Ш.Чориев, Туман ҳокимлиги юридик хизмати раҳбари Ф.Холтураев, Адлия бўлими, Алоқа бўлими</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан</p>	<p>Давлат бюджети маблағлари</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар дорирасида. Бунда: маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг қарорларини ҳисобга қўйиш ва эълон қилиш бўйича электрон ахборот тизими орқали кўрсатиш; электрон тизимдан фойдаланиш, уни юритиш ва унда жамоатчилик иштирокини таъминлаш тартиби бўйича таклифлар бериб бориш; электрон тизим орқали қабул қилинмаган ҳужжатларни амалга киритганлик ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни адлия органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказмаган ҳолда тизим орқали қабул қилганлик учун маъмурий жавобгарликни белгиланганлиги бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш; маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини мазкур тизимда ишлаш бўйича ўқитиш назарда тутилади.</p>
10.	<p>16-банд: Нодавлат таққилотлар-нотажорат</p>	<p>2021 йил 1 март</p>	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари</p>	<p>Ҳисоб-китобларга</p>	<p>Давлат бюджети ва бюджетдан</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар доирасида. Бунда:</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
11.	нинг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллиги ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш.	2021 йил 1 май	Н.Алланазаров, Адлия бўлими	асосан	ташқари маблаглар	<p>энг аввало, таълим, маданият, тиббиёт, экология, курилиш, кадастр, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни чуқур таҳлил қилиш, ечимлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга ижтимоий буюртма асосида нодавлат нотижорат ташкилотларни кенг жалб қилиш амалиётини йўлга қўйиш;</p> <p>Халқ депутатлари туман Кенгашида Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг доимий ҳисоботларини эшитиб бориш;</p> <p>Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иш фаолияти самарадорлигини ошириш учун доимий кўллаб-қувватлаш ишларини тизимли амалга оширсин.</p>
11.	17-банд: Сўз эркинлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш ишларини янада кўчайтириш.	2021 йил 1 май	Туман ҳокими Ахборот хизмати Н.Жумаева, алоқадор корхона ва ташкилотлар	—	—	<p>Чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш.</p> <p>Чора-тадбирлар режасида:</p> <p>оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, уларнинг мустақил фаолият юритишини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш;</p> <p>журналист ва блогерлар эркин фаолият юритиши учун уларга эркинлик имкониятини бериш;</p> <p>давлат органларида ахборот хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш ҳамда доимий кўллаб-қувватлаш;</p> <p>давлат органлари томонидан ўз фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш назарда тутилади.</p>
12.	18-банд: Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриши ва уни юксак савияда ўтказиш бўйича аниқ чораларни белгилаш.	2021 йил 1 март	Туман ҳокимлиги гуруҳ раҳбари Ё.Менглибаев, сайлов комиссияси котиби, Адлия бўлими, Молия бўлими, Алоқа бўлими, алоқадор корхона ва ташкилотлар	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджетидан сайлов харажатлари учун ажратилган маблаглар	<p>Чора-тадбирлар дастури.</p> <p>Дастурда:</p> <p>сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва халқаро стандартлар бўйича билимларини тизимли асосда ошириш;</p> <p>халқаро қурастурувчилар томонидан берилган тегишли тавсияларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;</p> <p>аҳолининг сайлов маданиятини юксалтириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаш назарда тутилади.</p>

T/p	Амалга оширилган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
II. КОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ХУКУК ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОХ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ						
2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш						
13.	32-банд: Аҳоли осойишталигини таъминлаш ва маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилга асосланган тизимли ишларни фаоллаштириш.	2021 йил 1 июнь	Туман ҳокимининг ўринбосари З.Хидирова, Туман Ички ишлар бўлими, туман Миллий гвардияси	–	–	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: худудларда содир бўлаётган ҳар қандай қонуنبузиллиши ҳолатларини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш борасида фуқаролар йиғини раиси ва профилактика инспекторининг ролини ошириш, ташкилотлар масъулиятини кучайтириш; маҳаллаларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориладиган профилактик чора-тадбирлар самардорлигини ошириш мақсадида миллий гвардия органлари харбий хизматчилари ва ходимларнинг жиноятчиликни жиловлash ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги фаолиятини вилоятнинг жиноятчилик ўсган барча маҳаллаларида йўлга қўйиш; “маҳаллабай” ўрганиш, аниқланган ижтимоий-маиший муаммоларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни мунтазам равишда мониторинг қилиш ишларини амалга оширишда замонавий техника ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш назарда тутилади.
III. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ						
3.5. Банк тизимини ислох қилишни давом эттириш ва банк соҳасида рақобат муҳитини яратиш, аҳоли ва ҳўжалик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишни қўллаб қувватлаш, замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш						
14.	61-банд: Оилавий тадбиркорлик дастурларини амалга оширишни тизимли давом эттириш.	2021 йил 1 март	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Қўлтаев, тижорат банклари	–	–	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: 2021 йилда оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ажратилган ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда, кредитлар ажратиш; оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлашда авваламбор хотин-қизлар ва ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш орқали кредит ажратиш тизими жорий этиш; жойларда янги “маҳаллабай ишлаш” тизимини йўлга қўйиш орқали хар бир маҳалланинг мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик салоҳиятини ошириш кўзда тутилади.
3.6. Иқтисодиёт таркибининг янада диверсификация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш, биринчи қабатда, маҳаллий минерал хом ашёни чуқур қайта ишлаш бўйича илғор технологияларни жорий этиш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш таннархини ва энергия сарфини камайтириш						
15.	76-банд: Худудий, тармок	Йил давомида	Туман ҳокимининг биринчи	–	–	Амалий чора-тадбирлар.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутिलाётган натижа
	ва туман миқёсидаги sanoat ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш.		Ўринбосари М.Култаев, Савдо-саноат палатаси			Бунда: эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда, реал ёки виртуал шаклда sanoat ярмаркаларини ўтказиш; маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида sanoat соҳасидаги кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва кичик бизнес субъектларини sanoat фаолиятига кенг жалб қилиш назарда тутилади.
3.7. Туманни комплекс ривожлантириш, мустаҳкам ва барқарор замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш						
16.	77-банд: “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида маҳалла ва кишлоқлар киёфасини тубдан ўзгартириш.	2021 йил 1 март	Туман ҳокимининг Ўринбосари С.Исаев, Иқтисодий тараққиёт бўлими, Молия бўлими, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, Алоқа бўлими	Ҳисоб-китоблар асосида	Республика бюджетлар, халқаро молия институтлари маблағлари, маҳаллий бюджети	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Тумандаги маҳаллалар ва аҳоли сонидан келиб чиқиб, уларнинг киёфасини тубдан ўзгартириш бўйича мақсадли параметрлар ва молиялаштириш манбаларини аниқлик киритиш ва молиялаштириш ишларини назоратта олиш; амалга ошириладиган ишларни республика ва маҳаллий бюджетдан ажратилиши ва молиялаштирилиши бўйича ишларни кучайтириш назарда тутилади.
17.	78-банд: Ҳар бир кишлоқ ёки маҳаллани уларнинг имкониятлари, ўз йўналиши ва “ўсиш нукталари”дан келиб чиқиб ривожлантириш.	2021 йил 1 апрель	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Култаев, Иқтисодий тараққиёт бўлими, Молия бўлими, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими	Ҳисоб китоблар асосида	Тармок корхоналари ва туман маҳаллий бюджет маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: ҳар бир худуд имкониятлари, nisбий рақобат устунилигидан келиб чиқиб, худудни ривожлантириш-нинг устувор йўналишлари ва “ўсиш нукталари”ни белгилаш; худудлар имкониятидан келиб чиқиб, танланган йўналишларда талбиркорлар ташаббуслари асосида лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур инфратузилма ва шароитларни давлат томонидан яратиб бериш назарда тутилади.
18.	79-банд: Туманни иқтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг рейтинг баҳолаш борасида тизимли мониторинг ўрнатил ва назоратини амалга ошириш.	Йил давомида	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Култаев, Молия бўлими, Марказий банк, тижорат банклари, Бандлик бўлими, Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, Солиқ бўлими, Статистика бўлими, Божхона бўлими, Савдо-саноат палатаси	-	-	Амалий чора-тадбирлар дастурлари. Бунда: худудларнинг, шу жумладан туманни иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳолатини тегишли кўрсаткичлар асосида чуқур таҳлил қилиб бориш; ҳар ой туман ҳокимининг амалий чора-тадбирлар дастурлари ва улардаги мақсадли кўрсаткичлар ижросининг халқ депутатлар туман Кенгашида муҳокама қилинишини ташкил этиш назарда тутилади.
19.	80-банд: Камбағалликни	2021 йил	Туман ҳокимининг биринчи	-	-	Амалий чора-тадбирлар дастури.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
20.	<p>кискарттириш борасида худудлардаги ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш, амалга оширилаётган ишлар ижросини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш.</p> <p>81-банд: Худудларда ташқи қарз ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш.</p>	<p>1 март</p> <p>2021 йил 1 март</p>	<p>Ўринбосари М.Қултаев, туман Иқтисодий тарақиёт бўлими</p> <p>Туман ҳокимининг ўринбосари А.Раҳмонқулов</p>	<p>Ҳисоб-китоблар асосида</p>	<p>Халқаро молия институтлари ва хусусий шериклар маблағлари</p>	<p>Бунда: туман ҳокими ўз худудида камбағалликни кискарттириш бўйича манзилли дастурни ишлаб чиқиш; унинг ижроси бўйича ҳар чоракда Халқ депутатлари туман Кенгашида ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали халққа ҳисобот бериб бориш тизимини жорий этиш; камбағалликни кискарттириш бўйича амалга оширилган ишлар самарасини Давлат Хизматини ривожлантириш агентлигининг ҳокимлар фаолиятига баҳо бериш рейтингига интeграция қилиш назарда тутилади.</p> <p>Амалий чора-тадбирлар дастури. Бунда: ташқи қарз ҳисобидан ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида худудларда амалга ошириладиган лойиҳаларни маҳаллий Кенгашлар ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ҳамда уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳисобот бериш тизимини йўлга қўйиш; давлат хусусий шериклигига тақлиф этилаётган барча объектлар бўйича маълумотлар ягона электрон порталда тўлиқ жойлаштирилишини таъминлаш; худудларда инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларига кўпроқ хусусий капитални жалб этиш мақсадида кейинги йилда давлат-хусусий шериклик асосида йирик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилади.</p>
21.	<p>82-банд: Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини зарур инфратузилмалар билан таъминлаш.</p>	<p>2021 йил 1 апрель</p>	<p>Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Қултаев, Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими, Худудий электр таъминоти АЖ, Автомобиль йўллари бўлими</p>	<p>Ҳисоб китоблар асосида</p>	<p>Республика бюджети маблағлари Халқаро молия институтлари маблағлари</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар дастури. Бунда: туманда саноат салоҳиятини янада ошириш учун технопарк, кичик саноат зоналари, худудий кластер ва маҳсус логистика марказларини ташкил этиш; эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарига, биринчи навбатда, зарур инфратузилма объектларининг манзилли рўйхатини шакллантириш; маҳсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш учун ажратиладиган маблағларнинг энг мақбул йўналишини белгилаб бориш назарда тутилади.</p>
22.	<p>83-банд: Туман марказини ободонлаштириш.</p>	<p>Йил давомида</p>	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари С.Исаев, Туман ободонлаштириш бўлими, Жисмоний тарбия ва спорт бўлими, Қурилиш бўлими</p>	<p>Ҳисоб-китоблар асосида</p>	<p>Республика бюджети маблағлари, Туман маҳаллий бюджети маблағлари</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар дастури. Бунда: туман марказини ободонлаштириш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг манзилли рўйхатини белгилаш; Ободонлаштириш бўлими томондан ободонлаштириладиган кўчаларнинг батафсил режалаштириш лойиҳаларини тайёрлаш;</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
3.8. Хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришни таъминлайдиган ишбилармонлик мухитини яратиш						
23.	88-банд: Ишсиз аҳолини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятига жалб қилиш.	2021 йил 1 апрель	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Қултаев, Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлими, Молия бўлими, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги, Савдо-саноат палатаси, Адлия бўлими	Ҳисоб-китоблар асосида	Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси, Аёллар дафтари жамғармаси, Ёшлар дафтари жамғармаси	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Лойихада тадбиркорлик ва ўзини-ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, айниқса “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари харид қилиш мақсадида субсидиялар бериш назарда тутилади.
3.9. Йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида ишлар сифатини ошириш, туризм соҳаси ва аҳолига сифатли ва қулай транспорт хизматлари кўрсатиш, транспорт оқимини бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, йўловчи ташинида хавфсизликни таъминлаш, транспорт инфратузилма объектлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қуриш ва эксплуатация қилишда эскирган нормаларни қайта кўриб чиқиш						
24.	89-банд: Туманда умумий фойдаланишдаги таъмирталаб кўприкларни таъмирлаш ишларини бошқичма-бошқич амалга ошириш.	Йил давомида	Туман ҳокимининг ўринбосари С.Исаев, Автомобиль йўллари бўлими	Ҳисоб-китоблар асосида	Республика бюджет	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: худудлардаги кўприклар ҳолатини қайта ҳатловдан ўтказиш; ҳатлов натижалари бўйича 2021 йилда таъмирланиши зарур бўлган кўприкларнинг манзилли рўйхатини тасдиқлаш; манзилли рўйхатга киритилган объектларда таъмирлаш ишларини сифатли амалга ошириш назарда тутилади.
25.	94-банд: Қишлоқдан – туман марказигача ҳамда туман марказидан – вилоят марказигача транспорт хизматлари қўламини кенгайтириш ва уларнинг сифатини ошириш.	2021 йил 1 май	Туман ҳокимининг ўринбосари С.Исаев, Молия бўлими	Ҳисоб-китоблар асосида	Тижорат банклари кредити ва хусусий шериклар маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: аҳоли пунктлари, айниқса, қишлоқларни туманлар марказлари билан боғлайдиган узлуксиз автобус катновларини хусусий секторни жалб қилиш орқали қўпайтириш; автобус бекаллари намунавий лойиҳалар асосида таъмирлаш ва тиклаш назарда тутилади.
26.	95-банд: Худудларда паст ва ўрта кучлинишли электр тармоқлари ва трансформаторни бошқичма-бошқич янгилаш дастурини тасдиқлаш.	2021 йил 1 апрель	Туман ҳокимининг ўринбосари С.Исаев, Туман электр тармоқлари АЖ, Иқтисодий тараккиёт бўлими	Ҳисоб-китоблар асосида	Халқаро молия институтлари ва корхоналарнинг ўз маблағлари	Чора-тадбирлар дастури. Бунда: Лойихада 2021–2025 йилларда паст ва ўрта кучлинишли электр тармоқларини бошқичма-бошқич модернизация қилиш назарда тутилади.
27.	99-банд: Зиёрат туризми ва ички туризмини ривожлантириш.	2021 йил 1 март	Туман ҳокимининг ўринбосари Н.Алланазаров,	–	–	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: тарғибот тадбирлари учун маблағлар ажратиш, хар

Т/р	Амалга оширилган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
3.10.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий химоя қилиш					
28.	106-банд: Инвестиция амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш тизимини жорий этиш.	2021 йил 1 июль	Туман ҳокимининг ўринбосари А.Раҳмонкулов, Иқтисодий тараққиёт бўлими, тижорат банклари	Ҳисоб-китоблар асосида		<p>Амалий чора-тадбирлар.</p> <p>Бунда: 2021–2023 йилларда мўлжалланган Инвестиция дастури ва ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида молиялаштиришнинг барча манбалари, шу жумладан марказлашган инвестициялар, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар (объектлар) бўйича тармок жадвалларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш; курилиш-монтаж ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, белгиланган инвестицияларни тўлиқ ва оқилона ўзлаштириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ўз вақтида ва сифатли фойдаланишга топшириш устидан тизimli мониторинг ўрнатиш; 2017–2020 йилларда фойдаланишга топширилган қувватлар ва объектларнинг техник-иқтисодий асосларда белгиланган кўрсаткичларга эришилиши устидан тизimli мониторинг ўрнатиш; мониторинг яқунлари бўйича йўл қўйилган колоқликларни бартараф этиш ҳамда мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш юзасидан тегишли чоралар кўриш; мониторинг яқуний натижалари бўйича хар чоракда маҳаллий кенгашларда муҳокама учун ахборот киритиб бориш назарда тутилади.</p>
29.	108-банд: 2021 йилда 966 млрд 818 млн. сўм қийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш ҳамда 75 та лойиҳани ишга тушириш.	Йил давомида	Туман ҳокимининг ўринбосари А.Раҳмонкулов, туман Иқтисодий тараққиёт бўлими, тижорат банклари	Ҳисоб китобларга кўра	Банк кредитлар ва хорижий инвестициялар	<p>Амалий чора-тадбирлар.</p> <p>Бунда: 2021 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида лойиҳаларнинг тармок жадвалларини тасдиқлаш, лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш, курилиш-монтаж ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирлари; 2021 йилда амалга оширилаётган, жумладан ишга тушириш белгиланган жами 75 та инвестиция лойиҳаларини</p>

Т/р	Амалга оширилдиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
30.	109-банд: Давлат қарзи ҳисобига амалга оширилдиган инвестиция лойиҳаларининг натижадорлигини таъминлаш.	Йил давомида	Туман ҳокимининг ўринбосари А.Раҳмонқулов, Молия бўлими, Иқтисодий тараққиёт бўлими, алоқадор қорхона ва ташкилотлар	–	–	Мониторинг: Ишчи гуруҳи билан биргаликда тасдиқланган графика асосан жойларга чиққан ҳолда ўрганиш ва ўрганиш якунлари бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш назарда тутилади. Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Давлат қарзи ҳисобига амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёндарини барча босқичларини сифатли ва самарали ташкил этиш назарда тутилади.
3.11. Янги бозорларни ўзлаштириш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, халқаро сифатни бошқариш тизимларини жорий этишда экспорт қилувчи қорхоналарни қўллаб-қувватлашни чоралари ва механизмларини кенгайтириш орқали ҳудудлар ва иқтисодий тармоқларнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш						
31.	110-банд: Маҳаллий экспортчи қорхоналарнинг савдо уйлари очиш ва саклаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш, шунингдек, реклама кампанияларини ташкил қилиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларини қоплаб бериш бўйича Экспортни рағбатлантириш агентлигига таклиф киритиш.	2021 йил 15 март	Туман ҳокимининг ўринбосари А.Раҳмонқулов, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари	–	–	Таклиф киритиш. Бунда маҳаллий экспортчи қорхоналарнинг савдо уйлари очиш ва саклаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш, шунингдек, реклама кампанияларини ташкил қилиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларини қоплаб бериш тартибини тасдиқлаш бўйича асосли таклифлар киритиш назарда тутилади.
32.	111-банд: Европа Иттифоқининг “GSP+” тизими доирасидаги имтиёзларни туманимизда самарали қўллаш учун кенг қўламли дастур ишлаб чиқиш.	2021 йил 1 июнь	Туман ҳокимининг ўринбосари А.Раҳмонқулов, Алоқадор қорхона ва ташкилотлар	–	–	Амалий чора-тадбирлар дастури. Бунда: “GSP+” тизими доирасидаги имтиёзларни самарали қўллаш борасида амалий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш назарда тутилади.
33.	112-банд: Янги экспорт бозорларига чиқиш.	Йил давомида	Туман ҳокимининг ўринбосари А.Раҳмонқулов, тижорат банклари	ҳисоб – китобга кўра	–	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: 2021 йил биринчи ярим йиллигида Термиз халқаро савдо марказида Афғонистон ишбилармонлари билан кўргазма ва ярмаркаларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини таъминлаш назарда тутилади.
34.	113-банд: Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик масаласи ҳамда Европа Иттифоқи билан кенг	Йил давомида	Туман ҳокимининг ўринбосари А.Раҳмонқулов, Алоқадор қорхона ва ташкилотлар	–	–	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича Ишчи гуруҳнинг 5-йигилишига иштирок этиш;

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутиляётган натижа
35.	камровли хамкорлик бўйича ишларни фаоллаштириш. 114-банд: 2021 йилда корхоналарга хомашё сотиб олиш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун Экспортни қўллаб-қувватлаш жамгармасидан тегишли маблағларни ўзлаштириш бўйича ишларни амалга ошириш.	Йил давомида	Туман хокимининг ўринбосари А.Рахмонкулов, тижорат банклари	ҳисоб – китобларга кўра	Экспортни қўллаб-қувватлаш жамгармаси	ЖСТга аъзо давлатлар билан икки томонлама музокараларда катнашиш; тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари учун ЖСТ битимлари ва кўп-томонлама савдо тизими коидалари бўйича семинар ва тренинглarda иштирок этиш назарда тутилади. Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Тикланиш ва тараккиёт жамгармаси ресурс маблағларини Экспортни рағбатлантириш агентлигига ажратиб ҳисобига тижорат банклари талабига мувофиқ экспортдоли молиялаштириш ишлари учун ажратиладиган ресурс маблағларидан самарали фойдаланиш; экспортдоли молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатиш назарда тутилади.
36.	115-банд: Товар ва хизматлар экспортини камида 15 фойзга ошириш.	Йил давомида	Туман хокимининг ўринбосари А.Рахмонкулов, тижорат банклари	Ҳисоб – китобларга кўра	Туман хокимлиги	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Экспорт килувчи корхоналар билан корхонабай ишлаш тизимини фаол давом эттирган ҳолда, уларнинг фаолияти давомидаги муаммоли масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш чораларини кўриш; инвестиция дастурлари доирасида ишга тушириладиган янги ишлаб чиқариш қувватларини экспорт фаолиятига кенг жалб этиш чораларини кўриш; хомашё экспортини кескин камайтирган ва республика ҳудудида чуқур қайта ишлаган ҳолда, юқори қўшилган қийматли саноат маҳсулотлари экспорт ҳажминини кенгайтириш чораларини кўриш назарда тутилади.
3.12. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самардорлигини ошириш, ер майдонлари ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, интенсив технологиялар ва инновацион ишланмаларни кенг жорий қилиш, мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аграр соҳа экспорт салоҳиятини ошириш, кластер тизимини ва барча йўналишларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш йўналишларида қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишни давом эттириш						
37.	119-банд: Қишлоқ хўжалигида экинлар ва хосилдорлигини самардорликни ошириш.	2021 йил 1 ноябрь	Туман хокимининг ўринбосари Қ.Алматов, қишлоқ хўжалиги бўлими, Иктисодий тараккиёт бўлими, Фермер кенгаши, Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими, Молия бўлими	Ҳисоб- китобларга асосан	Ташаббускор-ларнинг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари	Амалий чора-тадбирлар дастури. Бунда: қишлоқ хўжалигида энг илгор технологиялар, ресурс тежовчи ва биологик усуллардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори авлодли уруғлари билан таъминлаш, илм-фан ютуқлари ва инновацияларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига кенг жорий этиш; пахта майдонларида 1890 гектар сув тежовчи технологиялар жорий этилиб, хосилдорликни пахта ва фаллачиликда 8-10 фойзга, мева-сабзавотчиликда 15-20

Т/р	Амалга оширилдиган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
38.	<p>121-банд: Туманда кишлок хўжалиги махсулотлари етиштириш хажмини ошириш мақсадида ирригация-мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда сўғориш қудуқларини ўрнатиш орқали жами 1624 гектар майдонларни қайта фойдаланишга киритиш ва кишлок хўжалиги экинларини жойлаштириш.</p>	Йил давомида	Туман хокимининг ўринбосари Қ.Алматов, кишлок хўжалиги бўлими, Ирригация бўлими	7 млрд. 26 млн сўм	Давлат бюджети маблағлари, ташаббускорларнинг ўз маблағлари ва тижорат банклари кредитлари	<p>Амалий чора-тадбирлар. Бунда: 2021 йилда 1624 гектар янги ерларни қайта фойдаланишга киритиш ишларининг манзилли рўйхатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; тасдиқланган манзилли рўйхатлар асосида ерларни фойдаланишга киритиш, амалга оширилаётган ишларнинг тизимли мониторингини юритиш ҳамда ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига маълумот тақдим қилиб бориш; фойдаланишга қайта киритилган майдонларда қўшимча равишда кишлок хўжалиги махсулотлари етиштириш имкониятини яратиш назарда тутилади.</p>
39.	<p>122-банд: Сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонларини қўлайтириш ҳамда сувни иқтисод қилиш технологияларини жорий этиш.</p>	Йил давомида	Туман хокимининг ўринбосари Қ.Алматов, Қишлоқ хўжалиги бўлими, Ирригация бўлими, Молия бўлими, Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими, Фермер кенгаши	55 млрд. 471 млн. сўм	Банк кредитлари ҳисобидан Тадбиркорлар ўз маблағлари ҳисобидан	<p>Амалий чора-тадбирлар. Бунда: туманларда сув хўжалиги ташкилотлари томонидан бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда сувни тежайдиган сўғориш технологияларини монтаж қилиш ҳамда уларни ишлатишда қўмақлашиш бўйича сервис гуруҳларини ташкил қилиш; 2610 минг гектарда сув тежайдиган сўғориш технологияларини жорий этиш; 1041 гектар майдонни лазерли текислагич ёрдамида текислаш; сувни тежайдиган сўғориш ва бошқа технологияларни жорий этишни кенгайтириш;</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
